



БМТНИНГ ХАЛҚАРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ ФАОНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ходжаева Азиза

Фалсафа фанлари докторанти (Phd), Тошкент давлат Юридик
университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6326118>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 15-Fevral 2022
Ma'qullandi: 20 - Fevral 2022
Chop etildi: 25 - Fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

БМТ, Халқаро Озиқ-овқат
ва қишлоқ хўжалиги
ташкilotи ФАО, Халқаро
Меҳнат Ташкilotи ХМТ,
Озиқ-овқат хавфсизлиги

БМТнинг ихтисослашган ташкilotи ФАОнинг яратилиш тарихида БМТнинг алоҳида ўрни бор. Бирлашган Миллатлар Ташкilotи ҳақида гап кетганда кўпчилик уни тинчлик ва хавфсизликни таъминловчи ташкilot сифатида тасаввур қилади. Ҳолбуки, БМТ нафақат терроризм, жиноятчилик ва умумбашарий муаммоларга қарши курашувчи ташкilot, шу билан бирга халқаро миқёсда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминловчи ташкilot ҳамдир.

Агарда жаҳон мамлакатларининг тарихий ва бугунги ривожланиш тенденциясига назар ташласак, бирор-бир давлат, жамият, миллат йўқки, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келмаган. Бошқача айтганда, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, саводсизлик ва ишсизликни

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада БМТнинг ихтисослашган ташкilotи ФАОнинг ривожланиш тарихи ва унинг бутун дунё учун аҳамиятлилиги ва очликка барҳам бериш, муайян халқаро стандартларга мувофиқлиги, ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ва Ўзбекистонда амалга оширилган ҳуқуқий чора-тадбирлар таҳлили ва уларни янада такомиллаштириш масалалари ёритилган.

қисқартириш йўлида кескин чора-тадбирлар кўриш умумбашарий муаммога айланиб бормоқда. Мана шунинг ўзиёқ БМТнинг бутун ер шарида хоҳ у фарб бўлсин, хоҳ у шарқ бўлсин, барча соҳада ўрни ва роли юқори эканлигидан далолат беради.

БМТ халқаро ҳамжамият ҳаётида демократик принципларни қарор топтириш, мустаҳкам тинчлик, барқарорлик ҳамда хавфсизликка фақатгина жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлиги билангина эришиш мумкин деган тамойил асосида фаолият юритиб келмоқда. Демак, бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мавжуд иқтисодий-ижтимоий соҳадаги муаммоларга чуқур эътибор қаратиб, ҳамкорликда ҳал этиш керак бўлган тинчликни таъминлашнинг, унга раҳна солувчи иллатларга қарши курашнинг муҳим



гаровидир. Шу боис ҳам БМТ сўнги эллик йил ичида дунёда амалга оширилган кўплаб туб иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар муаллифи бўлди. Халқаро миқёсда, кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ФАОнинг ташкил этишлишига олиб келган назарий ва амалий фикрларга ўз ҳиссасини қўшган, олимларнинг қарашлари хатти-ҳаракатлари, ғоянинг ривожланиши ва якуний натижалар учун жуда муҳим эди, чунки уларнинг келтирилган фикрлари ўз вақтида, ушбу ташкилотнинг келиб чиқиш тарихига таъсир кўрсатиши барчамизга маълум бўлган жарёндр. Сабаби, ўша даврда истеқомат қилган намоёндаларнинг келтирилган аниқ фактлари ушбу такилотнинг пайдо бўлиш давридан то бугунги кунгача етиб келганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг ҳиссаси ҳақида қисқача маълумот беришимиз, бу ташкилотнинг қандай пайдо бўлганлигини ва натижада ҳозирги халқаро ҳуқуматлараро ташкилот шаклида қандай шаклланаётганини кўрсатишга хизмат қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ФАОнинг келиб чиқиш тарихи 1880 йилда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни қарор қилган Калифорниялик ишбилармон Девид Любин¹, номи билан чамбарчас боғлиқ. XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳон иқтисодиётида Д.Любин қарашларида

савдода, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари муҳим ўрин эгаллашини ва фақатгина халқаро ташкилот орқали фермерларнинг манфаатларини муваффақиятли ҳимоя қилиши мумкинлигини тушуниб етган эди. Унинг Лондонга ва Парижга ташрифи муваффақиятсизлик билан тугади, бироқ унинг Италияга ташрифи қирол Викториа Еммануела II томонидан унинг ғояси қўллаб қуватланиши билан якунланди.

Россиялик ҳуқуқшунос олима И.В.Антонованинг илмий ишларида келтирилган қарашларига кўра, Д.Любин фермерларнинг аҳволини яхшилаш учун халқаро миқёсда баъзи механизмларни ишлаб чиқишга киришган ҳолда, у бир неча мамлакатларда вазирларни ўз ғояларига бўйсунтиришга мажбур қилди ва кўпгина тўсиқларга қарамасдан у назарда тутган йўналишдаги ташкилот ва ниҳоят 1905 йилда Халқаро қишлоқ хўжалик институти (ХҚХИ) ташкил этилди. Ушбу ташкилот қишлоқ хўжалиги муаммолари билан шуғулланувчи биринчи халқаро ҳуқуматлараро ташкилот эди. Ушбу ташкилот Иккинчи Жаҳон Урушига қадар жиддий узилишларсиз фаолият кўрсатди, кейин унинг активлари ФАОга ўтиб кетади.² Халқаро ҳуқуқ тарихида аграр характердаги муаммоларни ҳал қилишнинг халқаро механизмини яратиш ғояси янги эмас эди, чунки у турли сабабларга кўра илгари пайдо бўлган, лекин фақат XX асрнинг

¹ Давид Любин (1849 йил 10 июнь - 1919 йил 1 январь) йрик америкалик савдогар ва деҳон эди. У 1908 йилда Римда Халқаро қишлоқ хўжалиги институтини яратилишига асос солган.

<https://www.britannica.com/biography/David-Lubin>.

² Антонова.И.В. «Современные международно – правовые проблемы деятельности ФАО» Диссертация. Москва-2009. -С.19.



бошларида бу борада аниқ қадамлар қўйилган эди. 1905 йилда Италияда (Рим) Халқаро қишлоқ хўжалиги институти тузилди, у 1930 йилда Бутунжаҳон қишлоқ хўжалиги рўйхатини ўтказди, бу ўша давр учун жуда муҳим эди, унинг асосида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бўйича фойдали статистика олинган.

1935 йилдан бошлаб, ушбу институт Миллатлар Лигаси ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда, глобал миқёсда аниқ озиқ-овқат муаммолари билан шуғуллана бошлади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) узоқ йиллик самарали ҳамкорлик тарихига эга. 1947 йилдаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим миграция, ер жойлаштириш, касб-ҳунар таълими, кооператив ва қишлоқ саноатига оид қўшимча битимлар билан тўлдирилди. идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратди.³

Халқаро ҳаётда, “Озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчаси биринчи марта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, 1974 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти-ФАО томонидан ўтказилган Римдаги Бутунжаҳон конференциясида илмий муомалада мустаҳкамланди. Ривожланаётган мамлакатларда қашшоқлик ва очликдан қутулиш борасидаги сушт силжишлар билан

боғлиқ равишда жаҳон ҳамжамиятининг хавотири тобора ортиб бораётгани ушбу масалани янада муҳокама қилишга ва 1996 йилда Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги саммити декларацияси билан янгиланган 2009 йилда Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги Рим декларациясини қабул қилишга туртки берди.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), БМТ ихтисослашган ташкилот сифатида озиқланиш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўз фаолиятининг асосий мақсадларини кенгайтиришга, бутун дунё бўйлаб одамларнинг овқатланиш сифати ва турмуш даражаси, самарадорликни ошириш, барча озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар тарқатиш, қишлоқ аҳолисининг аҳволини яхшилаш ва тарғиб қилиш, жаҳон иқтисодиётининг энг катта ўсиши ва инсониятни очлик ва тўйиб овқатланмасликдан халос қилишга ҳаркат қилиб келмоқда. ФАО озиқ-овқат хавфсизлиги сифатида шуни такидлайдики “Қачонки ҳамма одамлар доимо жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий нарсаларга эга бўлсалар етарлича хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш уларнинг озуқавий эҳтиёжларини қондириш ва соғлом ҳаёт кечириш учун имконият яратади”.⁴

Шуни таъкидлаш керакки, мавжуд бўлган бази бир усуллар ва технологиялар озиқ-овқат хавфсизлиги

³ Memorandum of Understanding between the International Labour Organization (ILO) and the Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO).P 2.
<https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/history/lang--en/index.htm>.

⁴ Декларация Всемирного саммита по продовольственной безопасности / Всемирный саммит по продовольственной безопасности (Рим, 16–18 ноября 2009 г.). URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/pdf/summit2009_declaration.pdf (дата обращения: май 2016).



ва озуқавий сифати билан боғлиқ муаммолар яратиши мумкин, бу ўз навбатида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чораларни талаб қилади. Америка олимлари Л. Браун ва Х. Кейн исботлашича, “халқаро алоқалардаги устувор йўналиш қуролланиш муаммосига эмас, балки озиқ-овқат етишмовчилигини ҳал қилиш муаммоси ҳисобланади” деб таъкидлаган. Ҳамда, ФАОнинг бош директори Жозе Грациану Да Силва сўзларига кўра, “овқатланиш сиёсий масала бўлиши керак”, шунингдек, “тарихда илк маротаба инсоният қашшоқликнинг тақдири эмаслигини ва очликнинг бутунлай олдини олиш мумкинлигини” таъкидлаган эди.⁵

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича биринчи конференцияси 1943 йилда АҚШнинг Ҳот Спрингс шаҳрида бўлиб ўтди. Ва 1945 йилда Любин номидаги Халқаро қишлоқ хўжалиги институти ёпилди унинг ўрнига БМТнинг “Халқаро озиқ-овқат ва Қишлоқ хўжалиги ташкилоти” ФАО вужудга келди.

Шунингдек, 1945 йил баҳорида ФАОнинг низом лойиҳаси тузилди. 1945 йил 16 октябр куни Халқаро Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги конференция йиғилишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ФАО) ташкил этилди, унинг Низоми 30 дан ортиқ мамлакатларнинг вакиллари томонидан имзоланди.⁶ ФАО ташкил этилиши ўз вақтида тўғри қадам

бўлди: чунки ўша вақтда Европа вайронага айланган эди ва кўп одамлар учун очлик ҳақиқий таҳдид бўлиб келаётган бир пайтда ушбу ташкилотнинг фаолияти жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Илк бор, 16 октябр куни бўлиб ўтган биринчи конференцияда ФАО Бош директори – шотландиялик Жон Бойд Орр сайланди.

ФАО ташкил этилганидан буён унга ишониб топширилган биринчи вазифалардан бири бу глобал овқатланиш ҳолатини яхшироқ аниқлаш учун умумий нуқтаи назарияни тайёрлаш биринчи мақсадлардан бири бўлган.

Ташкилотнинг биринчи Жаҳон озиқ-овқат тадқиқотлари шуни кўрсатадики, озиқ-овқат ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумот берганлиги, махсус илмий далиллар узоқ вақтдан бери очлик ва тўйиб овқатланмаслик кенг тарқалган деган фикрни тасдиқлайди. Амалдаги стандартлар нуқтаи назаридан бироз нотўғри бўлсада, ушбу тадқиқот 70 мамлакатни қамраб олди ва дунёдаги озиқ-овқат ҳолатини таҳлил қилишга биринчи уриниш бўлди.⁷

Бундай ҳаракатларни давлат ичида ҳам тартибга солишда бизнинг давлатимизда ҳам етарлича чора-тадбирлар кўрила бошланди.

Ўзбекистон Республикасида биринчи маротаба озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш бўйича ҳуқуқий нормалар 1997 йилда қабул қилинган “Озиқ-овқат

⁵ Международной конференции по вопросам питания, проведенной в Риме, в штаб-квартире ФАО в ноябре 2014 года.

⁶ Brigit Lee Naida Ramsingh .The History of International Food Safety Standards and the Codex

Alimentarius (1955-1995). Institute for the History & Philosophy of Science & Technology University of Toronto. 2011.



маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тоғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди. Бунга кўра, ушбу Қонуннинг 2-моддаси “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати — озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги — озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мослиги;” деб келтирилган моддадаги нормалар Ўзбекистон Республикасида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигига ҳуқуқий нуқтаи назардан бефарқ эмаслигини кўришимиз мумкин.⁸

Шунингдек, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки фикримизча, бутун дунёда очликка барҳам бериш ва тўйиб овқатланиш чора-тадбирлари, ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари доимий равишда давом этади. Сабаби аҳоли сонининг ўсиши натижасида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боради. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил декабр Олий Мажлиси

Мурожотномасида шуни такидлаб ўтган едики “Келгуси йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади. Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз йетказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чоралар кўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади”⁹ деб таъкидлаган сўзлари албатта нафақат бутун дунёда, балки Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил декабр Олий Мажлиси Мурожотномаси
2. Ўзбекистон Республикасининг Озиқ-овқат маҳсулотинининг сифати ва хавфсизлиги тоғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997 йилдаги 483-И-сон.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Озиқ-овқат маҳсулотинининг сифати ва хавфсизлиги тоғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997 йилдаги 483-И-сон.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил декабр Олий Мажлиси Мурожотномаси



3. Антонова.И.В. «Современные международно –правовые проблемы деятельности ФАО» Диссертация .Москва-2009. -С.19.
4. Brigit Lee Naida Ramsingh .The History of International Food Safety Standards and the Codex Alimentarius (1955-1995). Institute for the History & Philosophy of Science & Technology University of Toronto. 2011.
5. Memorandum of Understanding between the International Labour Organization (ILO) and the Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO).P 2. <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/history/lang--en/index.htm>.
6. Декларация Всемирного саммита по продовольственной безопасности / Всемирный саммит по продовольственной безопасности (Рим, 16–18 ноября 2009 г.). URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/pdf/summit2009_declaration.pdf (дата обращения: май 2016).
7. Международной конференции по вопросам питания, проведенной в Риме, в штаб-квартире ФАО в ноябре 2014 года.